



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СЕЙМИК ШАРОИТЛАРИДА БИР НЕЧА САТҲЛИ ТРАНСПОРТ КЕСИШМАЛАРИ ТАЯНЧЛАРИ ИШИНИГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Д.А. Гуламова

(ТТЙТ) Махсус фан ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7714761>

Ҳозирги глобаллашган дунё иқтисодиётида транспорт логистикаси тизимининг аҳамияти жуда ҳам каттадир. Алоҳида олинган бир давлатнинг ёки дунё миқёсида олинган логистика тизимини товарлар ёки хизматлар ҳаракатланаётган қон томирларига қиёсласа бўлади. Ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган, замонавий логистика тизимининг қанчалик ривожланганлиги мамлакат ривожининг белгиларидан биридир.

Логистика тизимининг асосий қисми сифатида темир ва автомобил йўллари, бу йўлларда қурилган кўприкларни, тоннелларни ва бошқа сунъий иншоотларни кўрсатиб ўтишимиз мумкин. Мамлакатимиз фуқароларига қулай ва сифатли транспорт хизматларини кўрсатиш, транспорт-коммуникация тизимларининг барқарор ишлашини таъминлаш давлатимиз тараққиётида муҳим аҳамиятга эгадир.

Замонавий шаҳарларда транспорт иншоотларини лойиҳалаш ва қуриш ишлари жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Бу, биринчи навбатда, автомобиллар сони доимий равишда кўпайиши билан боғлиқ, айниқса мегаполисларда, бу транспорт ва пиёдалар учун жиддий муаммолар туғдирмоқда. Ҳозир кундан кунга автомобилларнинг ортиши ва шу билан бир қаторда автомобилларнинг ҳаракатланиши жадал равишда қийинлашиб борапти ва бу ўз навбатида транспортларнинг тирбандлиги, аҳолининг кўзлаган манзилга етиб боришини қийинлаштирмоқда.

Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи йўналиши “Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари”да аҳолининг ҳаёт шароитларини яхшиланишини таъминловчи йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш асосий стратегик мақсадлардан бири сифатида қайд этилган. Шу мақсадда, 2017 йилнинг 10 октябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ–3309 сонли “Автомобиль йўллари кўприкларини, йўл ўтказгичлар ва бошқа сунъий иншоотларни қуриш ҳамда фойдаланишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” ги Қарори қабул қилинди.






Ушбу қарор самараси ўлароқ, ҳозирги кунда ўзбек кўприксозлигида, андозавий лойиҳалаш ва қуриш принципларидан секин-аста воз кечиб, янги замонавий лойиҳалаш ва қуриш услублари ўрганилмоқда. Ўзбекистон Республикаси кўприксозлик соҳасининг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, шаҳарларда бир неча сатҳли транспорт кесишмаларини лойиҳалаш ва қуришнинг имконияти ўзига хос тадқиқот ва рационал ечим ишлаб чиқишни талаб қилади. Шу жумладан, бир неча сатҳли транспорт кесишмалари таянчларини қуриш технологияси ва конструкция элементларини (лойиҳалаш ва ҳисоби) ишлаб чиқилиши лозим. Бу эса, Ўзбекистон Республикаси кўприксозлик соҳасининг ривожланишига катта таъсир кўрсатади.

Кўприксозликни ривожлантириш учун:

- Ўзбекистон Республикасида транспорт иншоотлари қурилиши соҳасининг ҳозирги ҳолатини ўрганиб чиқиш;
- дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги бир неча сатҳли транспорт кесишмаларининг хусусиятларини ўрганиш;
- Ўзбекистон Республикасида бир неча сатҳли транспорт кесишмаларини лойиҳалаш ва қуришга қўйиладиган талаблар ва ривожланиш истиқболларини белгилаш;
- бир неча сатҳли транспорт кесишмалари таянчлари конструкцияларининг вариантларини ишлаб чиқиш;
- бир неча сатҳли транспорт кесишмалари таянчлари конструкцияларини таққослаш ва энг рационал вариантни танлаб олиш;
- танлаб олинган транспорт кесишмалари таянчлари конструкцияси элементларини ҳисоблаш услубини ишлаб чиқиш;
- бир неча сатҳли транспорт кесишмалари таянчларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги бир неча сатҳли транспорт кесишмалари таянчлари хусусиятларини таҳлил этиб, керакли натижалар олиш, янги рационал конструкцияга эга бўлган таянч конструкциясини ишлаб чиқиш, лойиҳалаш ва унинг элементларини ҳисоблаш, Ўзбекистон Республикаси регионал шароитида бир неча сатҳли транспорт кесишмалари таянчларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Транспорт чорраҳалари – транспорт оқимлари чорраҳаларининг минималлаштиришга натижада йўлларнинг сиғимини оширишга мўлжалланган йўл қурилиши (кўприklar, тоннеллар, йўллару)





мажмуасидир. Кўпинча транспорт чорраҳалари деганда турли даражадаги транспорт чорраҳалари тушунилади

Транспорт чорраҳаларини қуриш талаблари

1. Транспорт чорраҳаларининг нисбий ҳолати минимал таъсирни таъминлаши керак транзит транспорт воситаларининг ҳаракати учун қирувчи ва чиқувчи трафик оқимини ва бунинг учун турли сатҳдаги транспорт чорраҳаларининг мосламалари бир – биридан етарлича масофада жойлашиши керак.

2. Чорраҳалар орасидаги масофалар

-автомобил йўлларда камида *kamida* 5000 м,

-тезюар йўлларда -3000 м бўлиши тавсия этилади:

Баъзи асослангани ҳолларда, чорраҳаларнинг 1000 м дан кам бўлмаган масофаларда жойлашишига йўл қўйилади.

Транспорт чорраҳаларни қуришдан мақсад транспорт оқимимни тўғри қўналтириш ва тирбандликни олдини олишдир.

Дунёдаги энг катта транспорт чорраҳалари

1. Gravelly Hill Interchange кўриниши жихатдан спагеттини эслатувчи сунъий иншоот. Ушбу иншоот тизими 1965 йилда Gravelly Hill Interchangенинг қурилиш режасида айнан шу ном билан мақола чоп этилган.ҳозирги кунда ҳам ушбу ном сақланиб «спагетти тўпи» деб ҳам номлашади. Gravelly Hill Interchange 1972 йилда барпо этилган бўлиб, англиянинг Бирмингем шаҳрида жойлашган.



2. Puxi Viaduct, дунёдаги энг катта транспорт чорраҳаларидан бири ҳисобланади. У 6 қаватдан иборат бўлиб, соатига минглаб автотранспорт воситаларини ўтказди. Ушбу муҳандислик мўъжизасини Шанхайнинг тарихий маркази ҳисобланган Пуҳида учратиш мумкин.






3. Tom Moreland Interchange. Ушбу ажабланарли носимметрик тарзида барпо этилган иншоот 1987 йилда барпо этилган. Ушбу транспорт чоррахаси АҚШнинг Джоржия штатида жойлашган.



4. Judge Harry Pregerson Interchange. Транспорт чорраха Калифорнияда жойлашган бўлиб, кунига бу ердан 600 000 дан ортиқ автотранспорт воситаларини ўказади. 1996и йилда “Мухандисликнинг мўъжизавий сеҳри” деб ном берилган.





Использованная литература:

Шермухамедов У.З., Абдухатова М.А., Современное состояние и перспективы проектирования и строительства городских транспортных сооружений республики Узбекистан., Санкт-Петербург Путевой навигатор 2018г. 4-8 с.

